



13.06.2018



Президентнинг 12.06.2018 йилдаги «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ЎзАда [жойлаштирилган](#) [1].

2018 йил 1 июлдан бошлаб...

Биринчидан, қуйидаги давлат божлари бекор қилинади:

- никоҳ шартномасини ([ЭКИХ](#) [2]нинг 25%и) ва алимент тўлаш ҳақида келишувни ([ЭКИХ](#) [2]нинг 20%и) нотариал тасдиқлаганлик учун;
- судлар томонидан оталикни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек, туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўрганлик учун ([ЭКИХ](#) [2]нинг 10%и).

Иккинчидан, герб йиғимидан тушадиган маблағларнинг 40%и, шунингдек, ФХДЁ бўлимлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус ташкил қилинадиган ғазначилик шахсий ҳисобварақларига йўналтирилади. Улар фақат ФХДЁ бўлимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларининг узоқ муддат хизмат қилгани учун иш ҳақига устама ҳақ тўлаш ва мартаба даражалари учун қўшимчаларига, шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришга (*лавозим маошининг ва мукофотларнинг 100%и миқдоригача шахсий устамалар*) ишлатилади.

2019 йил 1 январдан бошлаб...

Биринчидан, ФХДЁ органлари билан туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашиш йўлга қўйилади, шунингдек, туғилиш ва ўлим ҳақида ягона ноёб кодли унификацияланган электрон маълумотнома беришнинг ягона тартиби жорий қилинади.

Иккинчидан, белгиланган санага қадар фертиль ёшидаги аёлларни ҳисобга олиш ва ҳомиладорликнинг эрта босқичидан чақалоқ туғилгунига қадар ҳисобини олиб боришнинг

автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилади. У «ФХДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизими билан интеграция қилинади.

Учинчидан, келаси йилдан бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қайд этилишида чақалоқларга [жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами](#) [3] (ЖШШИР) берила бошлайди.

Барча ёзувлар рақамланиб, онлайн-тўловлар жорий этилади

Кейинчалик «Ягона электрон ФХДЁ архиви» ахборот тизими билан интеграция қилиш учун ФХДЁ органларида сақланаётган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини рақамли кўринишга ўтказиш, ягона электрон архив фондини шакллантиришни 2022 йилга қадар тугатиш вазифаси топширилди.

Шу йилнинг сентябридан бошлаб эса давлат божи, герб йиғимлари ва бошқа тўловларни тўлашда электрон тўловлар (биллинг) механизми жорий этилиши керак.

«Биронта ҳам бола қайд этилмасдан қолиши мумкин эмас»

Қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш ва кейинчалик уларни ФХДЁ органларида қайд этилишини таъминлаш бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилди. Уларга туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилик қилади.

Улар қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш нуқтаи назаридан тўлиқ хатловдан ўтказиши, унинг натижасида ушбу ҳолатларни манзилли қайд этиши шарт (1.07.2019 йилга қадар).

Мажбурият ва жавобгарлик чегараси белгиланди

Эслатиб ўтамиз, 1.07.2018 йилдан бошлаб ФХДЁ органлари туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига [ўтади](#) [4]. Шу муносабат билан ҳужжатда айрим мансабдор шахсларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги белгиланди (қуйидаги жадвалга қаранг).

Мансабдор шахс	Мажбурияти ва жавобгарлиги
Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари	ФХДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари фаолияти, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш устидан умумий раҳбарликни амалга оширади
Туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг ўринбосарлари – туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари раислари	оилани мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз вақтида қайд этиш, тарғибот ва маърифат бўйича чора-тадбирларни кўришга шахсан масъул ҳисобланади

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг директори	ФХДЁ бўлимларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимини техник таъминлаш ва юритиш, шунингдек, ФХДЁ архивларига раҳбарлик қилишга масъул ҳисобланади
Туманлар (шаҳарлар) ФХДЁ бўлимлари мудирлари	қайд қилинаётган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг қонунийлиги учун шахсан масъул ҳисобланади

ФХДЁ органларини, мамлакатимизнинг хориждаги консуллик муассасаларини ва фуқаролар йиғинларини қатъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳномалар бланкалари билан Адлия вазирлиги томонидан таъминлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди.

Манба: norma.uz

136 [Чоп этиш](#) [5] [PDF](#) [6]

Сўнгги янгиликлар:

- [Ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга мулк ҳуқуқи қандай олинади?](#) [7]
- [Қандай молиявий хизматлар ҚҚСдан озод этилади](#) [8]
- [ЖИДУга кириш учун - дастлабки имтиҳон, сўнг тест синовлари](#) [9]
- [Микрокредит ташкилотининг филиалини очиш осонлашди](#) [10]
- [Айрим йўналишлар бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар юридик мутахассисликка қайта тайёрланади](#) [11]
- [Ҳайдовчилик гувоҳномаси: олиш, алмаштириш ёки дубликатини расмийлаштириш](#) [12]
- [Ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш: 1 августгача - фақат «Автотест»да](#) [13]
- [Давлат қимматли қоғозлари чиқарилиши тартибга солинади](#) [14]
- [Ҳайдовчиларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича хизматлар қандай лицензияланади](#) [15]
- [Статистика давлат хизматлари](#) [16]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/3711>

Ссылки

[1] <http://uza.uz/oz/documents/fu-arolik-olati-dalolatnomalarini-ayd-etish-tizimini-yanada--12-06-2018>

[2] https://www.norma.uz/uz/poleznaya_informaciya/e_k_i_h_dinamikasi

[3] [https://nrm.uz/contentf?doc=37562_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_fuqarosining_shahs_o%E2%80%98hshashlig_i_raqamini_\(shahsiy_kodini\)_aniqlash_tartibi_\(o%E2%80%98zr_vm_31_05_1996_y_200-son_qaroriga_ilova\)&products=1_](https://nrm.uz/contentf?doc=37562_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_fuqarosining_shahs_o%E2%80%98hshashlig_i_raqamini_(shahsiy_kodini)_aniqlash_tartibi_(o%E2%80%98zr_vm_31_05_1996_y_200-son_qaroriga_ilova)&products=1_)

[4] https://nrm.uz/contentf?doc=539293_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidentining_13_04_2018_y_pf-541-

[son_davlat_huquqiy_siesatini_amalga_oshirishda_adliya_organlari_va_muassasalari_faoliyatini_tubdan_takomillashtirish_chora-tadbirlari_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_farmoni&products=1_](https://nrm.uz/contentf?doc=539293_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidentining_13_04_2018_y_pf-541-son_davlat_huquqiy_siesatini_amalga_oshirishda_adliya_organlari_va_muassasalari_faoliyatini_tubdan_takomillashtirish_chora-tadbirlari_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_farmoni&products=1_)

[5] <http://insonvaqonun.uz/print/3711>

[6] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/3711>

[7] <http://insonvaqonun.uz/node/3744>

[8] <http://insonvaqonun.uz/node/3742>

[9] <http://insonvaqonun.uz/node/3740>

- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/3738>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/3735>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/3731>
- [13] <http://insonvaqonun.uz/node/3730>
- [14] <http://insonvaqonun.uz/node/3729>
- [15] <http://insonvaqonun.uz/node/3728>
- [16] <http://insonvaqonun.uz/node/3727>